

## “БОБУРНОМА” МАТНИДАГИ ВАЗН ЁЛЧОВ БИРЛИКЛАРЛАРИ ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ ИНГИЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИ ТАХЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11530258>

**Sayyora Shodmonova**

*Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori*

*PHD dotsent. Qarshi muhandislik-iqtisodiyot institute*

*E-mail:sayshodmonova71@gmail.com*

*Tel:(95) 322 00 04*

*ORCID ID 0009-0005-2564-9003*

### **Аннотация**

Ушбу мақола “Бобурнома” матнидаги вазн ёлчов бирликларининг таржималарда акс этиш хусусиятларига бағишланади. Вазн ёлчов бирликларининг таржимасини транслитерация усулида берилиши ҳамда таржималарнинг қайта тиклашдаги муаммолар ечимини топиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. “Бобурнома” матнидаги вазн ёлчов бирликларининг таржималарда акс этишдаги усуллар ва уларнинг таржималарида лингвокултурологик хусусиятларини қайта тикланиш масалалари таҳлил қилинган.

### **Калит сўзлар**

ёлчов бирликлари, вазн ёлчовлари, сир, мискол, аршин, курух, фарсах, манн, харвор, хурд, нахўд, жариб, газ, милл, лингвокултурологик хусусиятлар, аслият,

## ANALYSIS OF ENGLISH TRANSLATIONS OF LEXEMAS OF WEIGHT MEASUREMENT UNITS IN “BOBURNOMA”

### **Annotation**

This article is devoted to the features of the units of weight in the text □Baburname□ in the translation. Particular attention is paid to the translation of units of weight by the method of transliteration, as well as the solution of problems in the reconstruction of translations. In the text □Baburname□ the methods of reflection of weight units in translations and the issues of restoration of lingvoculturological features in their translations are analyzed.

### **Keywords**

units of measurement, weights, sir, misqal, arshin, kuruh, farsax, mann, harvor, khurd, nakhod, jarib, gaz, mill, lingvokulturologic features, originality

Захириддин Мухаммад Бобур учун Ҳиндистонда қўлланадиган оғирлик бирлиги ҳам алоҳида аҳамиятга молик эди. Чунки давлат ишларини юргизиш, уларни бир тартибга солишда аниқ оғирлик бирлигининг қўлланиши алоҳида аҳамият касб этган. Азалдан Шарқ мамлакатларида бир атама остида ҳар хил вазн бирликлари тушунилган. Айниқса, сир, мисқол, аршин, курух, фарсах, манн, харвор, хурд, нахўд, жариб, газ, милл ва бошқалар Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли ҳудудларида турлича оғирлик ва узунлик бирликларини билдирган. Бобур буларнинг ҳаммасини умумлаштириб, салтанат ишлари учун муқобил вариантларини ишлаб чиққан.

Захириддин Мухаммад Бобур ўз асарида Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги оғирлик ўлчовларини солиштириб, ўзаро фарқини ажратиб кўрсатган. “Бобурнома”да қуйидаги оғирлик ўлчовлари учрайди: мисқол, рати, моша, тўла, ботмон, ман//мон, минос, тонг, сер//сир, пуштивора, харвор, қоп, сандук, танг-танг, тева, сабад, ортмоқ-ортмоқ.

Олима Н.Жияновани таъкидлашича “оғирлик ўлчовини ифодаловчи бу нумеративларни англатган маъноларига кўра, икки гуруҳга бўлиб ўрганиш маъқул: а) аниқ оғирликни ифодаловчи нумеративлар; б) тахминий оғирликни ифодаловчи нумеративлар.

“Бобурнома”да қуйидаги аниқ оғирликни ифодаловчи сўзлар учрайди: мисқол, ботмон, ман//мон, минос, сер//сир, тўла, моша, рати, тонг” [5.50]. Бу жараён «Бобурнома»да шундай акс этганига гувоҳ бўламиз: «Яна ҳинд эли вазнларни тавре таъйин қилибтурлар: секкиз раттий бир маъша, тўрт маъша бир таанкким, ўттуз икки раттий бўлғай. Беш маъша бир мисқолким, қирқ раттий бўлғай. Ўн тўрт тўвла бир сер. Бу худ муқаррардурким ҳар ерда қирқ сер бир ботмон бўлур, ўн икки ботмон бир маъний бўлур. Юз маънийни бир манйаса дерлар. Жавоҳир ва марворидин таанк била тортарлар» [4.208]. Бобур ўлчов бирликлари ифодаланган атамалар ва сўз бирикмалари ифодасида муқояса усулидан фойдаланади. Шу усул воситасида ўлчов аниқлиги ва ижтимоий, иқтисодий турмуш учун фойдалилигини таъминлашга эришади. Бу ҳолатлар ҳар учала таржима вариантыда ўзига хос тарзда намоён бўладики, қуйида шу ҳолатларни таҳлилий кўриб ўтамиз.

Лейден-Эрскин таржимасида: «*The inhabitants of Hindustan have a peculiar method of reckoning as to measures; they allow eight ratis to one masheh; four mashehs to*

one tang, or thirty-two ratis to one tang; five mashehs to one mishkal, which is equal to forty ratis; twelve mashehs make one tola or ninety-six ratis; fourteen tolas make one ser; and it is fixed that everywhere forty sers make one man, and twelve mans one mani, and one hundred manis one minaseh. They reckon jewels and precious stones by the tang» [2.Vol.II.;240] (Ҳиндустон элида оғирлик ўлчовларини ўзига хос услуби бор. Саккиз раатий бир машага, тўрт маша бир таанкни ёки ўттиз икки раатий бир таанк бўлади. Беш маша, яъни бир мисқол қирқ раатийга тенг. Ўн икки маша бир тўвла ёки тўқсон олти раатийга тенг. Ўн тўрт тўвла бир сер ҳисобланади. Қирқ сер белгилаб қўйилгандек ҳар ерда бир ботмон, ўн икки ботмон бир маънийга ва юз маъний бир манйасага тенг. Улар жавоҳир ва қимматбаҳо тошларни таанкда ўлчайдилар (С.Ш) деб ўтирилади. Айни таржима матнида ўлчов бирликларига оид терминлар транслитерация усули билан қайта тикланган. Аслиятдаги ўлчов бирликларидан бири «**тўвла**» термини, Лейден-Эрскин таржимасида «**tola**», А.Бевериж таржимасида «**tula**», В.Текстонда эса «**tola**» шаклида берилди. Кўринадикки, таржима матнларида ўлчов бирликлари транслитерация усули орқали берилса-да, турли шаклларда келтирилган.

А.Бевериж таржимасида бу: «*The people of Hind have also well-arranged measures: 8 ratis=1 masha; 4 masha=1 tank=32 ratis; 5 masha=1 misqal=40 ratis; 12 masha=1 tula=96 ratis; 14 tula=1 ser. This is everywhere fixed:-40 ser=1 manban; 12 manban=1 mani; 100 mani they call a minasa.*

*Pearls and jewels they weigh by the tank» [1.517-518] (Ҳинд халқини жуда яхши белгиланган ўлчовлари бор. Саккиз раатий бир маша, тўрт маша бир таанк ўттиз икки раатийга тенгдир. Беш маша бир мисқол қирқ раатий, ўн икки маша бир тўвла тўқсон олти раатий, ўн тўрт тўвла бир серга тенгдир. Бу ҳамма ерда қирқ сер бир ботмон бўлади деб белгилаб қўйилган, ўн икки ботмон бир маънийга, юз маънийни бир манйаса дейдилар), акс этади. Транслитерация усули бу ўринда кўл келгани кузатилади. Масалан, аслиятдаги «**мисқол**» сўзини А.Бевериж «**misqal**», Лейден-Эрскин таржимасида: «**mishkal**», В.Текстонда эса «**mithcal**» шаклида беради. Уч таржимон ичида А.Бевериж таржимаси аслиятнинг прагматик хусусиятларига мувофиқлиги билан ажралиб туради. Хусусан, А.Бевериж ҳар иккала таржимадан фарқли тарзда «**equal**» сўзини «=**» белгиси билан ифодалайди. Муаллиф ўлчов бирликларини қисқа ва лўнда берса, таржимон бу тасвирларни техник жихатдан янада ихчамлаштириб беришга интилади.***

В.Текстон таржимасида шундай келади: «*The people of India also have wonderful weights and measures. Eight rattis equal 1 masha; 4 mashas equal 1 tank, or 32 rattis; 5 mashas equal 1 mithcal or 40 rattis; 12 mashas equal 1 tola, or 96 rattis; 14 tolas*

equal 1 seer. It is set everywhere that 40 seers equal 1 maund. 12 maunds equal 1 mani; 100 manis is called a manyasa. Jewels and pearls are weighed by the tank» [4.350] (Ҳиндистон халқида ажойиб оғирлик ўлчовлари бордир. Саккиз раатий бир маъшага тенг, тўрт машъа бир таанкка ёки ўттиз икки раатийга тенгдир, беш машъа бир мисқол ёки қирқ раатийга тенг. Ўн икки машъа бир тўвла ёки тўқсон олти ратийга тенгдир, ўн тўрт тўвла бир серга тенг. Қирқ сер белгилаб қўйилгандек ҳамма ерда бир ботмон бўлади. Ўн икки ботмон бир маънийга тенг. Юз маънийни бир манйаса дейдилар. Жавоҳир ва марваридларни таанкда ўлчайдилар (С.Ш). Таржимон оғирлик ўлчов бирликларини қайта тиклашда ўқувчига тушунарли бўлиш йўллари излайди. Ўлчов бирликларини транслитерация орқали ва рақамлар билан беришни маъқул кўради. «Сер» ўлчов бирлиги, В.Текстон таржимасида «seers», А.Беверижда эса «ser», Лейден-Эрскин таржимасида «ser» шаклида қайта тикланган. А.Бевериж ва Лейден-Эрскин таржималарида «сер» сўзи аслиятдагидек транслитерация қилинса, В.Текстон «seers» шаклида транслитерация қилади. Лейден-Эрскин таржимасида: «**twelve mashehs make one tola or ninety-six ratis**», В.Текстон таржимасида: «**12 mashes equal 1 tola, or 96 rattis**», А.Беверижда эса: **12 masha=1 tula=96 ratis** (ўн икки машъа бир тўвла ёки тўқсон олти ратийга тенгдир) жумласи аслиятда йўқ. Бизнингча, буни изоҳловчи қўшимча сифатида таржимонлар киритишган. Н.Отажоновнинг қайд этишича: «Жуда оддий туюлган бу талқину атамаларни бошқа тилларга ўгиришда ниҳоятда кўп хилма-хиллик ва чалкашликлар учрайди» [6.224].

Таржимонлар «Бобурнома» матнидаги ўлчов бирликларини қайта тиклашда ҳам, юқорида вақт ўлчовлари таржимасида кўрганимиздек, турли усуллардан фойдаланишган. Натижада аслиятнинг прагматик жиҳатлари таржимада ўз аксини топган. Бобур сўз билан берган ўлчов бирликлари таржимада сўз ва сонлар орқали ифодаланган. Таржима матнида Лейден-Эрскин оғирлик ўлчов бирликларини сўзлар орқали, В.Текстон рақамлар билан, А.Бевериж эса рақам ва белгилар воситасида ифодалаган.

Таржима жараёнида матннинг лексик, стилистик ва прагматик томонларига диққат қаратиш муҳим. Бу жиҳат таржимон маҳоратининг бир қиррасини ташкил этади. Муаллиф тасвирлаган воқеалар, ўлчов бирликлари ва бошқа тасвирларни таржима матнларида адекват акс эттириш таржимон маҳоратини талаб этади. Ҳар бир тасвир, тафсилот ва талқин таржима матнида аслиятнинг прагматик хусусиятларига мувофиқ акс этиши таржима амалиётининг синалган, самарали йўлидир.

### ФҶЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР:

2. Beveridge A.S., *The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur), Translated from the Original Turki Text of Zahiru'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette, Susannah Beveridge. 2 Vols, – London, 1922; Repr, in one Volume, – London, 1969; – New Delhi, 1970; – Lahore, 1975. – P.134*
3. Leyden J., W.Erskine. *Memoirs of Zehired-din Muhammed Babur, Emperor of Hindustan.– Edinburg, 1826. – P.422*
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». – Тошкент: Шарқ НМАК, 2002. – Б.37.
5. *The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Translated, Edited, and, Annotated by Wheeler M., Thackston. – New York & Oxford, 1996. – P.121*
6. Назокат Жиянова. “Бобурнома”да нумератив сўзлар. Филол.ф.ном. дисс..автореферат. Т.: 2010
7. Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида. Қиёсий-типология таҳлили. Филол. Фан. Док. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.224.
8. Федоров А.В. *Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы). – М.: Высшая школа, 1983. – С.134*
9. Раҳимов Ғ.Таржима назарияси ва амалиёти. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – Б.113.
10. Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. НДА. Фарғона, 2004.
11. Қудратуллаев Ҳ. “Бобурнома”нинг адабий-тарихий ва услубий таҳлили, док. дисс..авторреф. –Т.: -1998. – Б.43
12. Холмирзаев Ф. Хотира уйғонса гўзалдир. – Т.: Фан, 2003. – 56 б.
13. Холманова З. «Бобурнома» лексикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.3.